Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 21 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 145 (13.208)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари, жаҳонга машҳур матолару, улардан тайёрланаётган кийим-кечакларга дунё ҳавас қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саноат корхоналарини ташкил этиш, хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, маҳсулотларини экспортга йўналтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсишига, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалишига хизмат қилаётир.

Дарҳақиқат, "Made in Uzbekistan" ёрлиғи туширилган маҳсулотларимиз дунё бозорларидан мустаҳкам жой олмоқда. Корхоналаримиз жаҳонга қарийб барча турдаги товарларни – озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материалларидан тортиб юқори технологияли замонавий техникаларгача таклиф этмоқда. Халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган бу маҳсулотлар юксак сифати билан хорижлик истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Ушбу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш, миллий маҳсулотлар экспорти салоҳиятини юксалтиришда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиши, чет эллик ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузиши, хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, бошқа рухсатномалар олишида ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий кўмак кўрсатмоқда. Жамғарма томонидан юздан ортиқ хорижий ташкилот билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини экспорт қилишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида жамғарма 1646 тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатди. Амалга оширилган ишлар натижасида умумий қиймати 1 миллиард 320 миллион долларга тенг экспорт шартномалари имзоланди.

Жамғарма билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Жорий йилда бундай тадбиркорлар сафи 164 тага кенгайди. Экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 26 фоиз ўсди. 2016 йилнинг охирига бориб, 4000 тадбиркорга кўмак кўрсатиш, экспорт ҳажмини ўтган йилга нисбатан 50 фоизга ошириш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда)

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 20 июль куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Франция ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, савдо, сармоя, экспорт, нефть-газ, банк-молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, авиаташув, фармацевтика, юқори технологиялар, сайёҳлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Элёр Ганиев мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Франция Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги фаол ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга, иқтисодиёт, фан-техника, маданият ва ҳаво транспорти соҳаларида ҳамкорликка оид битимлар ўзаро алоқалар ривожига хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз макроиқтисодиёт, молия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Юртимиз олимлари франциялик мутахассислар билан биргаликда қуёш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, селекция каби соҳаларда тадқиқотлар олиб бормоқда.

Савдо соҳасида Ўзбекистон билан Франция ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2015 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 300 миллион доллардан ошди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида ушбу кўрсаткич 150 миллион доллардан зиёдни ташкил қилди. Мамлакатимизда франциялик сармоядорлар иштирокида 15 корхона тузилган. Франциянинг 11 компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

– Франция Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан қарайди, – деди ЎзА мухбирига Франция Республикаси Ташқи ишлар ва халқаро ривожланиш вазирлигининг ташқи савдо, сайёҳликни ривожлантириш ва хориждаги француз фуқаролари масалалари бўйича давлат котиби, комиссия ҳамраиси Матиас Фекль. – Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Сўнгги беш йил ичида Ўзбекистондан Францияга импорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 60 фоизга ошгани бу борадаги ҳамкорлигимиз изчил тараққий этаётганидан далолатдир. Франциялик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик ўрнатишга, мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлашга бўлган қизиқиши йил сайин ортиб бормоқда. Ўзбекистон кўплаб соҳаларда, жумладан, илм-фан, маданият ва сайёҳлик каби жабҳаларда улкан салоҳиятга эга мамлакат. Савдо, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, техника ва технологиялар йўналишларида узоқ муддатли шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларини ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш, хусусий мулкнинг улушини ошириш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажмини янада ошириш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам манфаатдор эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз сармоявий, молиявий-техникавий, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, транспорт ва логистика, фармацевтика, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Франция делегацияси Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат самаралари, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳамда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг пухта ишлаб чиқилган механизми, индустриал зоналардаги кенг имкониятлар ва имтиёзлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Шу куни Ўзбекистон ва Франция ишбилармон доираларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва ўзаро савдодаги маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Франциянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Давра суҳбати якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Франция ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ва бизнес маслаҳатлашувлари ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни Францияга экспорт қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси доирасида Ўзбекистонда асинхрон тортишли электр двигателлари ишлаб чиқариш, авиаташув ва фармацевтика соҳаларидаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Франция делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА

ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кичик саноат зоналарининг аҳамияти" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, вазирлик ва қўмиталар, Савдо-саноат палатаси вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 3 июлдаги "Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Қарорга кўра, давлат мулкидан оқилона ва самарали фойдаланиш, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари ва бўшаётган ер участкаларида замонавий рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш учун кичик саноат зоналари барпо этилмоқда. Тадбиркорлик субъектларига ўртача 20-30 сотихдан ер участкалари ажратилаётгани кичик бизнес вакилларига янада кенг йўл очмоқда.

– Қарорда Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 300 гектардан ортиқ ер майдонида элликдан зиёд кичик саноат ҳудудлари ташкил этилиши белгиланган, – дейди партиянинг масъул ходими Ботир Мардаев. – Мазкур ҳудудлардаги ишлаб чиқариш майдонлари тадбиркорлик субъектларига давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун энг кам ижара тўлови ставкаси бўйича, тегишли коэффициентларни қўлламасдан узоқ муддатга берилади.

Мазкур кичик саноат зоналарида маҳаллий ҳокимликлар, "Даваркитектқурилиш", "Ергеодезкадастр" давлат қўмиталари ва бошқа мутасадди идоралар билан биргаликда барча зарур муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмасини жойлаштириш тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун жуда катта қулайлик яратиш баробарида, уларга вақт ва маблағни тежаш борасида ҳам кўл келмоқда.

Кичик саноат зоналари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида"ги низом билан тартибга солинган. Унга кўра, ер участкалари тадбиркорлик субъектларига янги иш ўринлари яратиш борасида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан танлов асосида ажратилади.

Давра суҳбатида кичик саноат ҳудудларида танлов комиссиялари томонидан қурилиш маҳсулотлари билан бир қаторда озиқ-овқат, енгил саноат ва кенг аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди. Кичик саноат зоналари фаолиятини кенгайтириш ва янада ривожлантириш, бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий асослар ва молиявий манбаларни янада мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқиб жойларда турли йўналишларда янги кичик саноат зоналарини ташкил этишга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бўстонлиқ туманидаги "Офтобжон" болалар оромгоҳида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Келажак бизники, марра бизники" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этди.

● Бухорода "Салбий экологик оқибатларнинг олдини олиш мақсадида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида табиатни муҳофаза қилишнинг халқаро меъёрларга асосланган миллий стратегияси ишлаб чиқилиб, тегишли қонунчилик базаси яратилгани алоҳида таъкидланди.

● Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида ёш журналистлар учун медиа-тренинг ўтказилди. Унда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимидаги янгиликларни ёритишда ўз иқтидорини намойиш этаётган матбуот хизмати вакиллари, ҳаваскор ижодкорлар ҳамда тажрибали журналистлар иштирок этди.

● Нукусда "Отам, онам ва мен – спортчи оила" мусобақаси бўлиб ўтди. Энг кучли, чаққон ва эпчил 15 оилавий жамоа мусобақанинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида тўсиқлар оша эстафета, чаққонлик ва мерганлик, арқон тортиш, шахмат-шашка ва бошқа ўйинларда ўз маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Жанубий Судан пойтахти Жуба шаҳрида БМТнинг озиқ-овқат сақланаётган омбори талон-тарож қилинди. Омборхонада ҳарбий ҳаракатлар бошлангунга қадар 4,5 тонна маҳсулот бор эди. Бу кейинги бир ой давомида 220 минг кишини боқиш учун етарди. Шунингдек, юк машиналари, электро-генераторлар ва бошқа буюмлар ҳам сақланган.

● Кеча Гибралтар соҳили қирғоқларида ҳарбий машқлар чоғида Буюк Британиянинг сув ости кемаси савдо кемаси билан ўзаро тўқнашиб кетди.

● Макси Ланк жамиятининг Физика институти (Германия) маълумотига кўра, Астрофизиклар халқаро жамияти коинотнинг бугунги кундаги энг йирик ва тўлиқ уч ўлчамли харитасини яратди. Янги харита 1,2 миллион галактикани ўзида бирлаштирган бўлиб, у 2-7 миллиард йил аввалги юлдузлар тизими эволюциясини кузатиш имконини беради. Харита ёрдамида коинот энергияси ва қоронғи материянинг бугунги кундаги энг аниқ ўлчами олинди.



ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 16 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Унга мувофиқ, жамғарма устав капитали 5,3 миллиард сўмдан 10 миллиард сўм ва 2 миллион долларга оширилди. Жамғармага хорижий давлатларда ўз ваколатхоналарини очиш ҳуқуқи берилди. Мазкур ташкилот хизматлари учун тўланадиган комиссия тўловлари 3 фоиздан 1 фоизга туширилди. Буларнинг барчаси тадбиркорларга янада кенгроқ молиявий кўмак кўрсатишга хизмат қилмоқда.

Жамғарма кўмагида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этиб, ўз маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш, экспорт географиясини кенгайтириш, харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг январь-июнь ойларида 120 тадбиркор Германия, Франция, Туркия, Туркманистон, Қозоғистонда озиқ-овқат, тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида ўтказилган қатор халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этди. Тадбирлар доирасида 59,5 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

Айни пайтда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда жорий йилнинг 20-23 сентябрь кунлари Москва шаҳрида ўтказиладиган "Текстильлегпром – 2016" халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ярмаркасида тадбиркорларимизнинг иштирокини ташкиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида хорижий харидорлар, йирик халқаро савдо мажмуалари вакилларининг мамлакатимизнинг барча ҳудудларига ташрифи, тадбиркорларимиз билан учрашувлари ўтказилмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида Фарғона вилоятида Латвия, Қозоғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг ташкилотлари, йирик савдо мажмуалари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. Тадбир доирасида тадбиркорларимиз томонидан қиймати 150 миллион доллардан ортиқ бўлган экспорт шартномалари имзоланди. Май ойида Корея Республикасининг йирик савдо тармоғи – "Lotte Mart" компанияси вакиллари Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимизнинг озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида музокаралар ўтказди. Жанубий Кореяга қовун, гилос, анор ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси 12-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида фаол иштирок этди. Мазкур ярмаркада ушбу ташкилот кўмагида мамлакатимиздаги олтмишдан зиёд корхона мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича қиймати қарийб 490 миллион АҚШ доллари бўлган 65 шартнома имзолади.

Ҳозир жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, экспортга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаб ва эҳтиёжга мослигини таъминлашга қаратилган маркетинг изланишлари олиб борилмоқда. Экспортчи корхоналарнинг имкониятларини ўрганиш, муаммоларини бартараф этиш, ишлаб чиқарувчиларни экспорт фаолиятига кенг жалб қилишга бағишланган учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Жамғарма томонидан амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишни янада кенгайтиришга, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилаверади.

(ЎзА)

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликдаги "Ижтимоий шериклик: тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва барқарор ривожланиш кафолати" мавзусида семинар-тренинг машғулоти ўтказилди.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖ ТОПМОҚДА

Семинар-тренинг ишида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича Жамоат комиссияси аъзолари, маҳаллий давлат бошқаруви ва ижро органлари вакиллари, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ва фаоллари иштирок этди.

Унда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳудуддаги долзарб ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ёрдам кўрсатиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуни - давлат органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қўллаб-қувватлаши талаб қилинадиган фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Мустақиллик йилларида "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини изчил рўёбга чиқариш учун демократик талабларга тўла жавоб берадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Бунинг амалий натижаси ҳозирги кунда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаол иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари мисолида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ижтимоий шериклик асосида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар самарадорлиги яққол намоён бўлмоқда. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссиялари тузилган бўлиб, улар изчил фаолият юритмоқда.

Кучли фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ҳақида кенг жамоатчилик ҳамда аҳолини хабардор қилиб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашдир. Бу борада оммавий ахборот воситалари – телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика фаолиятини янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Маърузачилар томонидан мамлакатимизнинг мустақиллиги даврида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши, меҳнат ва иқтисодий фаолиятни эркин танлаш имкониятининг кенгайиши, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролар иштирокининг кучайиши ҳамда тинчлик, тотувлик ва барқарор ривожланиш манбаи бўлмиш ижтимоий шериклик муносабатларининг ривожланиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-инсонпарварлик соҳасида амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни янада кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан ташкил этилаётган қўшимча давлат гранти танловларининг устувор йўналиши ва мавзуси бўйича бир қатор таклифлар билдирилди.

Тадбир иштирокчилари "Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда аҳоли, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш" мавзусида Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар "Родничок" нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдимот лойиҳалари билан яқиндан танишдилар.

Семинар-тренинг давомида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси раиси Д.Шоумаров, Ўзбекистон ННТ миллий ассоциацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Н.Миродилова, Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бўлим бошлиғи А.Калимбетов, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи А.Ибатов, Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи А.Акромов ва бошқаларнинг маърузалари ҳамда фикр-мулоҳазалари тингланди.

(Ўз мухбиримиз)

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгашининг йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча соҳаларни изчил равнақ топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Олий Мажлис қуйи палатасидаги партия фракцияси аъзолари бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол қатнашди. Партия оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, миллий ҳунармандлик, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш ва бу борадаги қонунчилик ташаббусларини илгари суришга ҳисса қўшиб келмоқда.

– Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий йилнинг олти ойида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 1920 депутатлик сўрови амалга оширилди, – дейди ЎзА мухбирига партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов. – 74 ташаббус-масала маҳаллий Кенгашлар сессиялари, 159 таклиф доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Фуқароларнинг мурожаатлари асосида қатор масалалар тегишли давлат ҳокимияти идоралари билан ҳамкорликда ҳал этилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган учрашувларда истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган улкан натижалар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг аҳамияти, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бораётгани кенг тарғиб этилмоқда.

Йиғилишда партия амалий ҳаракатлар дастури ижросини таъминлаш борасидаги ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам муҳокама қилинди. Пленумда фракция аъзоларининг сайлов округларида олиб борган ишлари ҳам кўриб чиқилди, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Н.НАСРИЕВ

ТУМАН ҲОКИМИ АХБОРОТ БЕРДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни ижроси бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Бектемир туманидаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, мустақиллик байрамига тайёргарлик, куз-қиш мавсумига ҳозирлик, бандликни таъминлаш борасидаги ишлар, давлат дастурларининг ижроси ҳақида маълумот берилди.

Туман ҳокими С.Маҳаметов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Бектемир тумани ҳам ривожланиб, тобора чирой очаётганини таъкидлади.

Бектемир туманида ҳам мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Янги йўллар қурилиб, қатор кўчалар асфальтланди. Туман ҳудудида бир неча йилдан бери қаровсиз ҳолда ётган "Бахт кўли" реконструкция қилиниб, ишга туширилди.

Туманда фаолият кўрсатаётган 1 минг 100 дан зиёд корхонада озиқ-овқат, трикотаж, полиграфия, чарм, маиший техника маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 60 дан зиёд корхона ишга туширилди. Жумладан, "Intersok" корхонасида шарбат ва нектарлар, "Камолот" истиқлол кўмакчиси" корхонасида енгил ва юк автомобиллар учун амортизаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Қишки мавсумга тайёргарлик кўриш мақсадида мавжуд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига бугунги кунга қадар 900 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган. Ҳозиргача кўп қаватли уйларнинг том қисми, ирригация тармоқлари, лифтларини таъмирлаш ишлари тугалланган, кириш йўлаклари ва ертўлаларни таъмирлаш, йўлакларни бетонлаш ҳамда видеокузатув ускуналарини ўрнатиш ишларини 10 августга қадар якунлаш белгиланган.

Туманда янги корхоналар ташкил этилаётгани, мавжудларининг қуввати оширилаётгани аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Жорий йилнинг олти ойида 1 минг 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилган.

Туман ҳокимлигида фуқаролар мурожаатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг турли қатламлари, тадбиркорлар, вояга етмаганларнинг мутасадди раҳбарлар томонидан қабули, маҳаллаларда очиқ мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилиши анъана тусига кирган.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб жойларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Республика маънавият тарғибот маркази, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг мустақилликни қўлга киритиши Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа бўлгани таъкидланди.

Истиқлолга эришган халқимиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига эришиш йўлида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширди, улкан марра ва ютуқларни қўлга киритди. Бугун дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган миллий стратегиямиз давлатимиз раҳбари томонидан пухта ишлаб чиқилгани, миллий манфаатларимизга тўла жавоб беришини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.

– Энг улуғ, энг азиз айёмимиз олдидан ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқдамиз, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдуазимова. – Бундай тарғибот тадбирлари кишилар онги ва дунёқарашини юксалтиришга, маънавиятини бойитишга, фаол фуқаролик позициясини, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеликка нисбатан оқилона ва тўғри муносабатини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда ёш эстрада хонандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият улашди.

КЕЛАЖАККА САРМОЯ

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ва "Huawei" компанияси ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумни имзолади.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ректори Ш.Шерматов, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар вакили Цзоу Яньхуэй ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳалар, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини ҳам қамраб олганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Хусусан, халқаро даражадаги IT-мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда Инҳа университети ташкил этилди. Мазкур олий ўқув юрти ва Хитойнинг "Huawei" компанияси ўртасида имзоланган меморандум мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик таълим йўналишидаги қатор лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олган. Икки мамлакат олий ўқув юртлари, илмий муассаса ва корхоналари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, Тошкент ахборот технологиялари университети Пекин почта ва телекоммуникациялар университети, Ланьчжоу технология университети ҳамда "Huawei" компанияси билан илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида битим ва шартномалар имзолаган.

– Компаниямиз 23 мамлакат олий ўқув юртларида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда, – дейди "Huawei Tech. Investment Tashkent" хорижий корхонаси масъулияти чекланган жамияти бош директори Ван Пэн. – Тошкентда Инҳа университетининг ташкил этилгани самарасида ҳамкорларимиз сафи янада кенгайганидан хурсандмиз. Зеро, истеъдодли ёшларга кўмаклашиш келажакка ҳисса қўшиш демакдир.

"Huawei" компанияси меморандум доирасида тўрт йил давомида Тошкентдаги Инҳа университети бакалавриат босқичининг иқтидорли беш талабасига грант тақдим этади. Талабалар кириш имтиҳонлари ва инглиз тилида иншо ёзиш натижаларига асосан танлаб олинади. Номзодлар сўнгги босқичда "Huawei" компанияси мутахассислари ва университет ўқитувчиларидан иборат махсус комиссияда суҳбатдан ўтади. Шунингдек, ҳамкорлик доирасида университет талабалари учун махсус IT-курслар, IT-лабораториялар ташкил этиш ҳамда талабаларга бизнес-режаларни амалга оширишга кўмаклашиш режалаштирилмоқда.

(ЎзА)

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН!

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, азим пойтахтимизда энг улуғ, энг азиз айёмга катта тайёргарлик кўрилаяпти, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган буюк байрамимиз ғояси ҳар биримизни фидойилик қилишга ундамоқда.











Маълумки, мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизда 50 ободлик куни эълон қилинди. "Тўйга тўёна билан" деганларидек, истиқлолимизнинг 25 йиллигига ҳар битта туманда 25 та кўчани ободонлаштириш ва 25 та болалар ўйингоҳини бунёд этиш режалаштирилди.

Шаҳримиз туманларида бўлганимизда бу борадаги ишларнинг қизғин олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Учтепа тумани 60 та маҳалла 4 сектор ва 24 та округга бўлинган. 7 та шоҳ ва 230 дан ортиқ ички кўчалар туманни бир-бири билан боғлайди.

Айтиш керакки, туманда байрамолди қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинган.

Кўчаларни тартибга келтиришда асосий эътибор ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда биноларнинг фасад қисмлари таъмирига, ирригация тармоқлари, йўлаклар аҳволига, савдо нуқталари ҳолатига қаратилмоқда.

Фарҳод шоҳ кўчаси бўйлаб юрарканмиз, кўча атрофидаги савдо мажмуалари тартибга келтирилгани, гуллар экилгани, кўп қаватли уйларнинг фасади бўялаётгани ҳамда эски бекатлар янгиланаётганининг гувоҳи бўлдик.

Айниқса, "Ватан" маҳалласида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. 41-уйга хизмат кўрсатувчи "Ҳумо сервис плюс" ХУЖМШ раҳбари Дилбар Жабиеванинг маълумот беришича, 4 та йўлак таъмирланган, темир эшикларга кодли қулфлар ўрнатилган, том ва ертўлада муаммо йўқ. Болалар майдончаси туман ҳокимлигининг ҳамда шу уйда истиқомат қилувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳавас қиларли даражада чиройли ҳолатга келтирилди. Унга қўшни 38, 39, 40-уйларнинг ташқи кўриниши ҳам кўркам.

Яқинда Журжоний номли маҳаллада сузиш ҳавзаси ишга тушди, бу ҳам болажонларнинг ёз фаслини кўнгилли ўтказишларига хизмат қилаяпти. Тумандаги қайси кўчага бормайлик, фасадлар бўялмоқда, ободончилик ишлари олиб борилаяпти.

"Кўкча Оқтепа" маҳалласи тумандаги намунали, ҳар томонлама ибратли маҳаллалардан бири. Унга Собит Имомов раислик қилиб келади.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғинида амалга ошириладиган ишларнинг режасини тузиб олганмиз, — дейди биз билан суҳбатда оқсоқол. — Унга кўра, ҳудудимизда жойлашган шифохона, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети атрофлари, унга яқин бекатлар, 81-мактаб деворлари таъмирланади, Али Қушчи кўчасидаги уйларнинг фасадлари бўялади, Жамшид кўчасидаги 32, 39, 36, 38, 39 - а, 40-уйларни таъмирлаб, тартибга келтириш бўйича ишларни жадал олиб бораяпмиз. Мухтасар қилиб айтганда, ҳаммамиз учун азиз бўлган байрамни муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Учтепа туманида бугунги кунга қадар жами 24 та кўча ободонлаштирилган, 13 та болалар ўйингоҳи бунёд этилганлиги эътиборга лойиқдир.

Бўлаётган ишлардан кўнглимиз кўтарилиб, Олмазор туманига ўтамиз. Нурафшон кўчасидаги ўзгаришлар, йўлларнинг равонлашгани, янги қурилаётган уйлар, ички йўлларга берилаётган эътибор бугунги кунда ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Айтиш жоизки, Олмазор туманида 58 та маҳалла, 8 та шоҳ кўча, 200 дан ортиқ ички кўчалар мавжуд. Бугунги кунга келиб Сағбон кўчасини иккига бўлиб турадиган бордюрлар бўялган, кўча атрофига гултуваклар қўйилган, айни дамда Гулсарой кўчасида уйларнинг ташқи атрофлари бўялмоқда. Туман ҳудудидан ўтган узунлиги 17,5 кмни ташкил этувчи трамвай йўли демонтаж қилинаяпти. Олтинсой кўчасида ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилаяпти. Қорасарой кўчасидаги яроқсиз устунлар олиб ташланди. Чорраҳадаги 2 та 9 қаватли уйларнинг ташқи кўриниши чиройли ҳолатга келтирилди.

Қорасаройдан Норазтепа кўчасига ўтамиз. Хусусий уй-жойлар таъмирланяпти. Кўчага экилган райҳон ҳиди димоққа урилади. "Қичқириқ" маҳалласи ҳудудидаги 44 ва 47- уйларнинг фасадлари таъмирланаётганининг гувоҳи бўлдик.

Айни пайтда ҳар битта тумандаги ташландиқ ерлар тадбиркорларга берилиб, одамлар дам оладиган жой қилинаяпти. Масалан, Олмазор тумани, Қорақамиш кўчасида бўш ётган жой ўрнида ҳозирда фаввора қурилмоқда, ўриндиқлар ўрнатилаяпти, бу ер дам олиш масканига айлантирилаяпти. Тез кунларда у аҳоли ихтиёрига топширилади.

Олмазор тумани ҳокимлигидан олинган маълумотга кўра, ўтган вақт ичида тумандаги жами 28 та кўчада ободонлаштириш, орасталаш ва тиклаш ишлари бажарилган, 12 та болалар ўйин майдончаси қурилган.

Юнусобод туманида 63 та маҳалла 4 сектор ва 24 та округга бўлинган. Ҳар бир сектор, округ раҳбари қандай иш билан шуғулланиш лозимлигини яхши билади. Биргина Амир Темур шоҳ кўчасида кейинги пайтларда катта ҳажмдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун 5 йўналишли равон ва кўркам кўча ҳар томонлама талабга жавоб беради. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш боғлари, хиёбонлар, кўп қаватли турар жой бинолари кўчани безаб турибди.

Абдулла Қодирий шоҳ кўчасидаги савдо мажмуалари, ён-атрофлар ҳам тартибга келтирилди. "Турон" маҳалласидаги янги уйлар ҳудуд чиройига чирой қўшмоқда. Яқинда "Олой" деҳқон бозори миллий ва замонавий услубда янгидан қад ростлади. Амир Темур шоҳ кўчасидан Осиё кўчасига бурилсак, гулхоналар кўзга ташланади. Кичик ҳалқа йўлидан Кўргазма кўчасига ўтамиз. Бу кўчада аҳоли истиқомат қиладиган уйлар атрофи янада обод этилди, фасадлар бўялди, кўча атрофига экилган тагец ва сальвия гуллари барқ уриб ўсмоқда.

Корхожаота кўчасида ҳозирда қизғин ишлар кетаяпти. Ифтихор кўчасидаги уйларнинг фасадлари бўялиб, гуллар экилаяпти. Қулоқтепа кўчасида ҳам ишлар авжида. Бу ерда ҳам ҳудди Олмазордагиқаби бир гектар жойда аҳоли учун дам олиш масканибарпо этилаяпти.

"Туркистон" маҳалласи Юнусобод туманидаги намунали маҳаллалар қаторига киради. Бу ерда 45 та кўп қаватли уйга 8 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат қилади. Бундан ташқари 93 та ҳовлили хонадон мавжуд.

— 2080 та йўлакнинг ҳаммаси таъмирланган, темир эшик ўрнатилган, томлар ёпилган, — дейди "Туркистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омонулла Нурходжаев, — 8 та болалар майдончамиз бор, янгиларини қуриш режалаштирилган. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ҳар битта уйнинг олдига гуллар, манзарали дарахтлар ўтқазаяпмиз, ободончилик ишларига эътибор бераяпмиз.

Қувонарли томони шундаки, Юнусобод туманида ҳозирга қадар 4 та сектор бўйича 48 та кўча янгидан чирой очди, 24 та болалар ўйингоҳи қуриб битказилди. 25 августга қадар ободонлаштириладиган кўчалар сонини юзтага етказиш кўзда тутилган.

Сафаримиз давомида учта туманда ҳам улуғ байрамга катта тайёргарлик ишлари кетаётганининг гувоҳи бўлдик, одамларнинг юз-кўзларида қувонч. Ҳамма ўз меҳнатидан мамнун. Демак, барча ўз яшаш жойларини, маҳалласини тартибга келтиришга, ҳудудларни обод қилишга астойдил бел боғлаган.

Биз келгусида шаҳримизнинг бошқа туманларида амалга оширилаётган байрамолди ободонлаштириш ишларини ҳам ёритиб борамиз.

З. ШАРИФЖОНОВ

И. Исмоилов олган суратлар







ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ҚЎМИТА ЭШИТУВИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан қўмита эшитуви ўтказилди.

Видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепциясининг ижросига оид ахборотлар тингланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Б.Алихонов, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Усмонов, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида табиатни асраб-авайлаш, экологик хавфсизликни таъминлашнинг мукаммал асослари яратилганини таъкидлади.

Ёш авлодда экологик маданиятни юксалтириш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг ҳамкорликдаги "Ўзбекистон Республикасининг Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепцияси ҳақида"ги қарори қабул қилинган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Барқарор тараққиёт таълими доирасида давра суҳбатлари, форумлар, учрашувлар, экологик оромгоҳлар ташкил этилмоқда.

Халқ таълими тизимида ҳам ушбу таълим йўналиши кенг қамраб олинган. Мактабгача таълим муассасаларида табиатшунослик тўгаракларини, экология хоналари, "Экология йўлакчалари", табиат музейлари, табиат бурчаклари ташкил этилган. Мактабларда атроф-муҳитни ўрганиш, уни асраб-авайлаш юзасидан сабоқ берилмоқда.

Олий ўқув юртларининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун "Экология ва барқарор тараққиёт" махсус курси дастури жорий этилган. Қатор касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида эколог мутахассислар тайёрланмоқда. Экология ва барқарор тараққиёт таълими масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Эшитув якунига кўра концепция доирасида барқарор ривожланиш мақсадларида таълимни ривожлантириш, экологик таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, мазкур соҳадаги узлуксиз экологик таълим тизимини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали

Очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида Суд департаменти суд ижрочилари томонидан ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Mersedes-Benz ML 550 VA русумли, қора рангли, 2007 йилда и/ч, т/с, д/б 01 535 AAA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б- 248 386 135 сўм.

2. Mersedes-Benz GL 550 AMG русумли, қора рангли, и/ч йили номаълум (2008й), т/с, д/б (T EA 461 77) бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б- 395 871 482 сўм.

3. Hyundai Elantra русумли, кумуш рангли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 765 AAA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б- 81 222 350 сўм.

4. Matiz русумли (хетчбек), оқ рангли, 2013 йилда и/ч, т/с, д/б 01 611 QCA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б- 22 882 398 сўм.

5. Nexia Sonc 2 русумли, оқ рангли, 2011 йилда и/ч, т/с, д/б 01 729 TBA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б- 33 254 888 сўм.

Автотранспорт воситалари Тошкент ш., Сергели т., Олтин водий кўчасида жойлашган Тошкент "ОРМЗ" автомобилларни сақлаш тураргоҳида сақланмоқда. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси 2016 йил 24 август куни соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 22 август соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136949 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали

Нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 25 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми асосида берилган 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси PB 476 T77, кузов ZHWGE11S14LA 01386 олча (қизил)рангли бўлган "Lamborghini Gallardo" русумли автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси 615 583 497 сўм.

2. 2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 C 624 KA, двигатель 27396330337032 кузов 4JGBF8GEXAA573499 шасси рақамсиз, оқ рангли бўлган "Mersedes GL550" русумли автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси 397 553 521 сўм.

3. 2007 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 258 CAA, двигатель 791816 кузов XWB7T12ZB7A015483 шасси рақамсиз, оқ рангли бўлган ГБА СПГ Damas VAN русумли юк (фургон) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 20 030 400 сўм.

4. 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 278 CBA, двигатель 237459 кузов XWB7T11YB4A075340 шасси рақамсиз, оқ рангли бўлган ГБА СПГ Damas русумли енгил (йўловчи ташувчи) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 18 361 200 сўм.

5. 2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 581 GAA, двигатель 261911 кузов XWB7T12ZD9A062607 шасси рақамсиз, оқ рангли бўлган ГБА СПГ Damas русумли юк (фургон) автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси 23 368 800 сўм.

6. 2012 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 083 LCA, двигатель 932014 кузов XWB7T12ZDDA000496 шасси рақамсиз, оқ рангли бўлган ГБА СПГ VANC46 Damas русумли юк (фургон) автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 26 707 200 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, "Тошкент ОРМЗ".

2016 йил 25 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ҳукми асосида берилган ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BE429, двигатель 60199, кузов рақами самосвал, хакки рангли, носоз ҳолда бўлган КамАз-5511 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 30 282 200 сўм.

2. 1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BE430, двигатель 60941, кузов рақами самосвал, пушти рангли, носоз ҳолда бўлган КамАз-5311 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 23 584 500 сўм.

3. 2008 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 767 CAA, двигатель 40630C83118917, кузов рақами 27520080630925, оқ рангли, носоз ҳолда бўлган ГАЗ-2752-414 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 25 176 825 сўм.

4. 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10BA712, двигатель 812046, кузов рақами контейнеровоз, пушти рангли, носоз ҳолда бўлган КамАз-5320 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 29 367 000 сўм.

5. 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 10 AZ 010, двигатель 696772, кузов рақами контейнеровоз, сариқ рангли, носоз ҳолда бўлган КамАз-55102 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 25 272 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уйда бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 24 август куни соат 18.00да тўхтатилади.

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99890725-88-80.**

Спорт янгиликлари





ДУРАНГ НАТИЖА ҚАЙД ЭТИЛДИ

2018 йил Россияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларининг учинчи босқичига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги ўқув-машғулотларини Австрияда ўтказмоқда.

Ушбу ўқув-машғулот йиғини доирасида Самвел Бабаян бошчилигидаги жамоа "Боруссия Дортмунд" клубининг 23 ёшгача бўлган футболчиларидан иборат жамоага қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушиб, дуранг натижа қайд этди. Мазкур ўйинда Ўзбекистон миллий терма жамоаси киритган ягона голга Элдор Шомуродов муаллифлик қилди. Германияликлар ҳам бир бора Игнатий Нестеров қўриқлаган дарвозани ишғол қилди. Ҳисоб 1:1 бўлиб турган бир вақтда, Жамшид Искандаров 11 метрлик жарима тўпини голга айлантира олмади.

Эслатиб ўтамиз, 6 июль куни бошланган Австриядаги йиғин 21 июлга қадар давом этади. Шундан сўнг, терма жамоамиз учинчи саралаш босқичи олдидан Ироқ ҳамда Яман терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувларида куч синашади.

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси июль ойида жаҳон чемпионатига боришга номзод ҳисобланган ўйинчилар билан йиғин ўтказмоқда.

ФУТЗАЛЧИЛАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ БОШЛАДИ

Куни кеча мана шу йиғинни яна беш кун давом эттириш бўйича бир тўхтамга келинди. Маълум қилинишича, Хосе Мария Мендез машғулотларни жума кунига қадар олиб боради, шундан сўнг футзалчиларга қисқа муддатли дам берилади. Машғулотлар кунига икки маҳалдан олиб борилмоқда.

Ўқув-машғулот йиғинида қатнашаётган Колумбия мундиалида қатнашишга номзод бўлган футзалчилар билан танишинг: дарвозабонлар — Акмал Ҳазраткулов, Шавкат Ибрагимов, Равшан Элибоев, ўйинчилар — Дилшод Ирсалиев, Нодир Элибоев, Дилшод Раҳматов, Илҳом Ҳамроев, Элдор Ҳошимов, Даврон Абдураҳмонов, Алан Аминов, Сирожиддин Маҳмудов, Машраб Одилов, Дилмурод Шавкатов, Илҳом Ражабов, Тоҳир Абдураззоқов, Саид Ризо Миршарофов, Акбар Усмонов.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Эроннинг Теҳрон шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионати вакилларимиз учун муваффақиятли якунланди.

Қитъа биринчилигининг блиц баҳсларида 7 ёшгача бўлган вакиламиз Афруза Ҳамдамова олтин медални қўлга киритди. Афруза шахмат тахтасида ўзининг кутилмаган юришлари билан тенгдошларини бирин-кетин мағлубиятга учратди.

Ўғил болалар баҳсида эса Алихон Авазхонов кумуш медаль соҳибига айланди. Шунингдек, 15 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида Далер Воҳидов барча рақибларини доғда қолдирган бўлса, 7 ёшгача бўлган қизлар орасида яна бир вакиламиз Нозима Валиева бронза медалига лойиқ деб топилди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Саломатлик

ЎТКИР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Ёз мавсуми келиб, кунлар исий бошлаши билан ўткир юқумли ичак касалликлари кўпайиши қайд этилади. Ушбу касалликлар орасида ичбуруғ, коллинфекция, сальмонеллез, ич терлама, паратифлар, озиқ-овқат токсикоинфекциялари кўпроқ учрайди.

Бу касалликларнинг ҳар бирини маълум бир турдаги микроорганизмлар, яъни бактерия ёки вируслар чақиради. Бу касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, клиник белгилари бир-биридан фарқ қилсада, умумий ўхшашликлари мавжуд.

Касаллик қўзғатувчи микроблар инсон организмига оғиз орқали зарарланган озиқ-овқат маҳсулотлари, ифлосланган қўллар, идиш-товоқ, кўрпа-ёстиқлардан ўтади; касаллик манбаи — ташқи муҳитга нажаси ва сийдиги орқали касаллик қўзғатувчи ичак таёқчасини ажратадиган беморлар, механик микроб ташувчи эса пашша ҳисобланади.

Микроб одам организмига тушгандан сўнг, унинг кўпайиш даври бошланади. Бу давр бир неча соатдан 7-10 кунгача давом этиши мумкин. Бунда беморда ҳолсизлик, иштаҳанинг бўғилиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, қоринда оғриқ, қусиш ва ичнинг тез-тез кетиши каби аломатлар кузатилади.

Ўткир юқумли ичак касалликлари, айниқса, ёш болаларда оғир кечади. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган белгиларни сезсангиз, ўз билганингизча даволанмасдан, зудлик билан ҳудудий шифокорга мурожаат қилинг!

Касалликнинг олдини олишнинг асосий йўлларидан бири — шахсий гигиена қоидаларига амал қилишдир, яъни:

– овқатланишдан олдин ва ҳожатхонага кириб чиққандан кейин қўлларни албатта совунлаб, яхшилаб ювиш керак;

– мева-сабзавотларни, кўкатларни истеъмол қилишдан олдин водопровод сувида ювиб, устидан қайнатилган сувда чайиш зарур;

– озиқ-овқат маҳсулотларини музлатгичда сақлаганда, пишган ва хом маҳсулотларни ёнма-ён туриб қолмаслигига, маҳсулотларнинг ёпиқ идишларда бўлишига эътибор қаратиш керак;

– болаларга тайёрланадиган бўтқалар ва бошқа таомлар фақат бир маротаба истеъмол қилиш учун мўлжалланган бўлиши лозим;

– овқат тайёрлашда фойдаланилган тахта ва пичоқларни ишлатилгандан кейин қайноқ сувда ювиш ва ҳар бир маҳсулот учун алоҳида анжомларни ишлатиш зарур;

– қайнатилмаган сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилмаслик даркор;

– ёш болаларга кўчаларда сотилаётган, санитария хулосаси бўлмаган гўжа, айрон, ўрик шарбати, сутли коктейл ва бошқа салқин ичимликларни едириб-ичирмаслик керак.

Агар ўзингизда ёки фарзандларингизда юқорида келтириб ўтилган касалликнинг клиник аломатлари намоён бўлганини кузатсангиз, ўзбошимчалик билан даволанмасдан, зудлик билан ҳудудий шифокорга мурожаат қилинг!

Хулоса ўрнида айтиш керакки, соғлиғимиз ўз қўлимизда, ҳар биримиз масъулият билан касалликка қарши тадбирларни бажарилишига ёндошсак, ўзимизни ва яқинларимизни касалланишдан сақлаб қолишимиз мумкин.

Л.УМАРОВА,
Тошкент шаҳар ДСЭНМ эпидемиологи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Тошкент молия институти қошидаги 2-сон академик лицейи	Олмазор тумани, Мойқўрғон мавзеси, Ҳусункор кўчаси, 5-уй
2	Республика ихтисослашган мусиқа ва санъат академик лицейи	Чилонзор тумани, "Ц" мавзеси
3	Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи	Юнусобод тумани, 7-мавзе
4	Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи	Чилонзор тумани, 19-мавзе, 411-уй
5	Чилонзор матбаа касб-ҳунар коллежи	Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-уй
6	Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 10-уй
7	Яшнобод темир йўл касб-ҳунар коллежи	Яшнобод тумани, Асалобод кўчаси, 113-уй
8	Республика рассомлик коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 6-уй
9	Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, А.Дониш кўчаси, 28-уй

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи	Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 4-уй
2	М.Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, 1-ТТЗ мавзеси, 47-уй
3	Олмазор тиббиёт коллежи	Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, Шифокор -2 кўчаси, 6-12 ўқув бинолари

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Тошкент саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, Шаҳробод кўчаси, 3 сектор
2	Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Корасув-1 мавзеси, Мингбулоқ кўчаси, 1-б-уй
3	Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 45-уй
4	Сергели саноат касб-ҳунар коллежи	Сергели тумани, Лутфикор кўчаси, 2-мавзе, 64а-уй
5	Шайхонтоҳур саноат касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Авиасозлар тор кўчаси, 10-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Мирзо Улуғбек туманидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида таълим муассасаларидаги ошхоналарни ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги **"Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** 132-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ўртасида таълим муассасаларига хизмат кўрсатиш бўйича тендер-танловларида иштирок этувчиларнинг аризалари Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, ҳужжатлар талабгорлар томонидан муҳрланган конвертларда танлов комиссиясига тақдим этилади:

умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

махсус моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

Талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танловга оид қўшимча маълумотлар:

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, телефон: 252-77-81, 252-23-17.

Мирзо Улуғбек туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили	Телефон рақами
1	Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, 1-ТТЗ мавзеси, 47-уй	264-19-49
2	Тошкент иқтисодиёт ва бизнес касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39А-уй	237-26-02
3	Тошкент Давлат техника университети қошидаги 3-сон академик лицейи	Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 54-уй	265-06-54
4	М.Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 мавзеси, Мингбулоқ кўчаси, 1-б-уй	265-98-54
5	В.Успенский номли Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи	Мирзо Улуғбек тумани, Тараққиёт кўчаси, 71-уй	233-74-42
6	Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги М.Улуғбек академик лицейи	Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2, мавзеси, 7 а-уй	263-68-90
7	Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 6-уй	268-99-25
8	Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 7-уй	233-07-85
9	Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Тепамасжид кўчаси, 4-уй	262-63-32
10	Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 82-уй	260-17-43
11	Тошкент саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, Шаҳробод кўчаси, 3 сектор	262-65-03
12	Тошкент ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, Шаҳробод кўчаси, 3 сектор	269-07-44
13	Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги "Интернейшнл хаус Тошкент" академик лицейи	Мирзо Улуғбек тумани, Қориниёзов кўчаси, 39-уй	237-19-39
14	Имконияти чекланган шахслар учун Республика ногиронлар касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзеси, Оймариқ кўчаси, 4-уй	263-50-14

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2016 йил 8 февралдаги 824/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон 15-тор, 1-берк кўчаси, 23-А-уй манзилида жойлашган умумий майдони 121,24 кв.м, яшаш майдони 36,54 кв.м бўлган, бир дона яшаш хонаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 118 250 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 29 август куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 26 август куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***22 июль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***22 июлда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 755

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15.40

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ